

Муфтий Усмонхон Алимов ал-Азҳар шайхи билан учрашди



09:23 / 10.01.2019 1866

Кун кеча Ўзбекистон делегацияси таркибида Миср давлатида хизмат сафарида бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ал-Азҳар Шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб жаноблари билан учрашди. Бу ҳақда muslim.uz хабар бермоқда.

Хабарда айтилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ректори Шухрат Ёвқочев ва ал-Азҳар мажмуасининг йирик уламолари иштирок этган мулоқотда Ўзбекистонда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги улкан ислохотлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Миср давлатлари ўртасидаги диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган.

Мулоқот якунида томонлар ал-Азҳар мажмуаси ҳамда Ўзбекистондаги диний соҳага оид марказлар ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги “Йўл харитаси” имзоланди.

Islom.uz портали таҳририяти